Аллоҳ таоло деди: «Эй Одам боласи, инфоқ қилгин, мен ҳам сенга инфоқ қиламан», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло деди: «Эй Одам боласи, инфоқ қилгин, мен ҳам сенга инфоқ қиламан», дедилар».
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг: «Эй Одам боласи, (Вожиб ва мустаҳаб нафақалардан) инфоқ қилгин, шунда сенга (ризқингни) кенгайтириб, ўрнини тўлдириб, барака бераман», – деганини хабар бердилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5805